

---

Ёшлар билан навбатдаги учрашув “Учбулак” маҳалласида бўлиб ўтди  
Бугун Ўзбекистон тумани ҳокими Шерзоджон Юлдашев “Учбулак” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи ёшлар билан учрашди.

Учрашувда туман ҳокими ўринбосарлари, ҳоким ёрдамчиси ва маҳалладаги ёшлар етакчиси, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ҳамда маҳалла ёшлари иштирок этди.





Мулоқот давомида ёшлар томонидан тadbirkorлик фаолиятини ривожлантириш, субсидия асосида тикув машинаси олиш, моддий ёрдам, кадастр, ишга жойлашиш каби масалаларга оид 10 га яқин мурожаатлар ўртага ташланди.



Ёшлар томонидан кўтарилган барча масала ва ташаббусларга туман ҳокими томонидан атрофлича жавоб берилиб, масалаларнинг ечими юзасидан шу жойнинг ўзида аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Ҳал этиш учун вақт ва маблағ зарур бўлган масала-муаммолар тегишли идораларга топширилиб, аниқ вазифа ва муддат белгиланиб, ижроси назоратга олинди.

**Ўзбекистон тумани ҳокимлиги**

2022-04-22 23:29:47